

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ
ХАБАРНОМАСИ**

5/2 (83) 2020



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

5/2 (83) 2020

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

БОШ МУҲАРРИР:
академик
Ботир
СУЛАЙМОНОВ

Бош муҳаррир
ўринбосарлари:
профессор
Камолиддин
СУЛТОНОВ

профессор
Лазизахон
ГАФУРОВА

қ.х.ф. доктори
Махсуд АДИЛОВ

Ижрочи директор:
Бахтиёр НУРМАТОВ

Муҳаррир:
Денислам
АЛИМКУЛОВ

Журнал 2000 йил апрель
ойида ташкил топган.
Бир йилда 6 марта чоп
этилади.

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 2,
ТошДАУ
Тел: (+99871) 260-44-95.
Факс: 260-38-60.

Е-mail:
nurmatovbaxtivor868@gmail.com
*Мақолада келтирилган факт
ва рақамлар учун муаллифлар
жавобгардир.*

5/2 (83)
2020 йил

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ **ХАБАРНОМАСИ**

Тахрир хайъати:

А.А. Абдуллаев – академик,
И.А. Абдурахманов – профессор,
А.А. Аманов – профессор,
Х.Н. Атабаева – профессор,
Х.Ч.Буриев – профессор,
И.И.Васенев – профессор (Россия)
С.С. Гулямов – академик,
Р.Д. Дусмуратов – профессор,
В.И. Зуев – профессор,
А.К. Кайимов – профессор,
Х.Х.Кимсанбаев – профессор,
Л.С.Кучкарова – профессор,
М.А.Мазиров – профессор (Россия)
А.М.Мухаммадиев – профессор,
Р.С.Назаров – профессор,
У.Н.Носиров – профессор,
Т.Э.Остонулолов – профессор,
Ш.Н.Нурматов – профессор,
С.Я.Исломов – профессор,
М.Т.Ташиболтаев – профессор,
Ш.Ж.Тешаев – профессор,
Т.Ф.Фармонов – профессор,
Б.О. Хасанов – профессор,
Э.А.Холмуродов – профессор,
Н.С.Хушиматов – профессор,
У.П. Умурзаков – профессор,
А.А.Абдувасиков – доцент

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб
чиқариш ва озиқ-овқат таъминоти маркази.

Тошкент давлат аграр университети.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти.

Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали.

ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА

BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Журнал 2000 йил апрел
ойида ташкил топган

Бир йилда 6 марта
чоп этилади

Тошкент

№ 5/2 (83) 2020.

МУНДАРИЖА

Зоотехния ва ветеринария

Омонов М.И. Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўзилари терисининг гистологик тузилиш хусусиятлари..... 6

Пахтачилик

Улугов Ч. Х., Иминов А.А. Ғўзада стимулятор ва суспензия қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири..... 9
Исраилов М.Ж., Муратов Г.А., Бобоев С.Г., Муратов А. Ғўзанинг бўйлари кескин фарқланувчи тизма ва навларини чапиштириш орқали яратилган F₁ дурагай авлод ўсимликларининг ҳосилдорлиги..... 12
Тунгушова Д. А., Туракулов Д. А. Бентонит лойқаси меъёр ва муддатларининг ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига таъсири..... 16
Қўшиев Ҳ.Ҳ., Эргашева Э.А., Қудратов А. Ингичка толали пахтанинг чекланган ва чекланмаган пахланиш типига мансуб навларида фотосинтез кўрсаткичлари..... 19

Агроиктисодиёт

Болтаев Н.Ш. Фермер хўжалиklarини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва аҳамияти..... 26
Мамадияров Д., Файзиёв А. А. Жиззах вилоятининг пахта ҳосилдорлиги динамикасини статистик таҳлил усули билан башорат қилиш..... 28
Апиоров Р. Республикамизнинг инновацион иктисодиётга ўтиши шароитида мева-сабзавотчилик соҳасини модернизациялашнинг асосий жиҳатлари..... 32

Ўсимликшунослик

Эгамбердиев Ш., Номозов Ж., Зиётов Т. Фигус бенжамин (*Ficus benjamina*) ва фикус эластикум (*Ficus elastica*) ўсимликларини вегетатив кўпайтириш..... 35
Туракулов А.А., Холмуротов М.З. Артишок – истиқболли доривор ўсимлик..... 39
Балтаниязов Ж.С., Камалова Н.Б. Нукус шаҳри шароитида ўсаётган дарахт ва буталарнинг захарли газларга чидамчилиги..... 42
Юлдашев Я.Х., Хатамов Б.Я., Шарапова Ш.А., Эгамбердиев Ш.Б. Арча уруғларини экишда намлик тартиби. Арча уруғларини ҳосил бериши, пишиб етилиши ва уруғидан униб чиқиш хусусиятлари..... 44

Ўрмончилик

Бердиев Э., Холмуротов М., Аманбаева Ш., Эгамбердиев Ш. Ўзбекистонга интродукция қилинган манзарали ҳинд настарини биоэкологияси..... 51
Шайматов О.А., Ҳамроев Ҳ.Ф. Эрта ҳосилга кирувчи грек ёнғоги шаклларининг гуллаш жараёнлари..... 53

Селекция, генетика ва уруғчилик

Усманов С.А., Хударганов К.О., Абдуллаева М.М. Ғўза тизмалари ва етиштириш шароити омилларининг бир туپ ўсимликдаги қўсақлар сонига таъсирининг дисперсион таҳлили..... 57
Рустамов Н.С., Мадартов Б.К. Ғўзада ҳосилдорлик элементларининг шаклланиши..... 59
Улутбоев А.Ё., Қурбонов А.А., Хайруллаев С.Ш. Минерал озиклантиришни стевия (*Stevia rebaudiana bertonii*) таркибидаги витаминлар миқдорида ижобий таъсири..... 62
Маҳмудов Ў.Ҳ. Ерёнғоқ ва соянинг маҳаллий нав уруғларини лаборатория шароитида унвчанлигини аниқлаш..... 65
Назаров Х.К. Маккажўхори коллекциясидан янги истиқболли манбалар яратиш..... 67
Хошимов С.Қ., Норбеков Ж. К., Хусенов Н.Н., Тураев О.С., Кушанов Ф. Н., Буриёв З.Т. Ўсимликларда днк-баркодлаш усулининг аҳамияти ва ўрни..... 69
Марданов Ҳ., Раҳманкулов М., Шадманов Б., Худойбердиев Н., Норматов М. Ғўзанинг *G.Barbadense L.* ва *G.Hirsutum L.* турларида ҳосил элементларининг шаклланишига табиий гармселининг таъсири..... 72

Тупроқшунослик ва агрокимё

Эргашева И., Эгамбердиев Ш., Очилов Т., Эгамбердиев М. Органик ва минерал ўғитлар билан манзарали хона ўсимликларини озиклантириш..... 76
Маҳкамova А.Ш., Камиллов Б.С., Содиқова Г.С. Эрозияга учраган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг ўсиб ривожланишига маъданли ва биоўғит қўллашнинг таъсири..... 81
Қўзиёв Ж.М., Матякупов А.Р., Умаров М.И. Глобал иқлим ўзгариши ва янги турдаги навларнинг ўғитлаш тизимининг зарурияти..... 85
Даулетмуратов М.М., Л.А.Гафурова, В.Х.Шеримбетов, Мадримов М. Орол бўйи ҳудудида агрокимёвий хизматни таъкил қилишда геоахборот технологияларидан фойдаланиш..... 89

Маматкулова Ф.А., Джалилова Г.Т. Тог шароитида тупрок-эрозия жараёнларини ўрганиш ва хариталаш.....	94
Даулетмуратов М.М. Қорақалпоғистон республикаси шароитида тарқалган ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари.....	96
Бўрибоева Г.Н., Холмуродова Г.Р. Шўрланишнинг тупроқ ҳолатига ва ўсимликларнинг ривожланишига таъсири.....	99

Мевачилик ва сабзавотчилик

Бегимкулов И.Б. Картошка ҳосилдорлиги, туганакларнинг биокимёвий таркиби ва чиқс чиқимида азотли ўғитларнинг таъсири.....	103
Низомов Р. А., Иброҳимов Б. А. Экиш схемасини бамияни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.....	106
Умарова М., Холлиев А.Т. Уруг мевали боғлар биоценозида энтомофағларнинг учраш даражаси ва уларнинг аҳамияти.....	108
Енилеев Н.Ш., Нортोजиев Б.Ш., Нурмухамедова Д.Ш. Методика формирования кроны лимона для выращивания в защищенном грунте.....	110
Исломов С., Очилов М. Унаби (Чилонжийда) ни уругидан қўпайтиришнинг интенсив технологияларини ўрганиш.....	112
Низомов Р. А., Хушвақтов Н.Ж. Иситилмайдиган иссиқхона шароитида аччиқ қалампирни мақбул экиш схемаларини ўрганиш.....	116
Исламов С.Я., Зуфтаров Э.А. Тошкент вилояти шароитида малина навларининг ер устки қисмини ўрганиш....	119
Искандаров З.С., Мирсултонова М.Б., Азизов Ш. Сабзи ва ош лавлагини сабзавот экинларини қуёш энергиясида қуритиш жараёнини технологик схемаси.....	122
Бердимуратов Э. Тадқиқотлар жараёнида топинамбур ўстириш, сақлаш ва жадаллашган уругчилик тизими агротехнологияси.....	124
Ибрагимова Н.Ў., Сувонова М.М., Шокиров А.Ж. Турли экиш схемаларини кечки оқбош қарам ҳосилдорлигига таъсири.....	127
Сувонова М.М., Шокиров А.Ж. Мамлакатимизда кечки муддатда оқбош қарам етиштиришда суториш меъёрлари.....	131

Қишлоқ хўжалигида механизациялаш ва электрификациялаш

Холиёров Ё.Б., Йўлдашев Ш.У., Шарипов З.Ш., Маматов Ф.М., Олмосов М.Н. Мамлакат аграр соҳаси амалиётида механизация ва техник сервис масалалари: таҳлил ва таклифлар.....	135
To'xtamishiev S.S., Rahmatov O. Qovun mevasini uzukli bo'laklarga kesish uchun mexanizatsiyalashgan apparatni ishlab chiqish.....	140
Ғанибоева Э.М., Абдурахмонов Ш.Х., Холбутаев М.О. Иссиқ худудларда дизел двигателлари цилиндр-поршен гуруҳининг ёйилишига ёнилғи ва мойларнинг таркибидаги олтингугурт таъсири.....	144
Ибрагимов М.И., Таджикибекова И.Э. Повышение эффективности процесса озонирования сточных вод животноводческих комплексов и ферм.....	146

Ўсимликларни химоя қилиш

Умарова М., Холлиев А. Уруг мевали боғларнинг асосий сўрувчи зараркундаларининг тур таркиби ва учраш даражаси.....	151
Аймуратов У.Д., Давронов К., Муродова С.С., Халмуминова Г.Қ. Бодринг ўсимлиги сифатини опииришда биопрепарат олиш биотехнологиясини ишлаб чиқиш.....	154
Махмудова Ш.А. Донхўр брухусларнинг турли дуккакли дон экинларида зарари ва уларга қарши уругдорилайдиган препаратларини самарадорлиги.....	158
Юсупов А.Х., Шукуров Х.М., Юсупов Ж.Ш. Уруг мевали боғларда учрайдиган асосий сўрувчи зараркундаларининг тур таркиби ва учраши.....	160
Қўшақбоев Б.Б., Юсупов А.Х., Йўлдошов А.А. Ўзбекистонда мевали дарахтларнинг тангачақанотли зараркундаларининг тур таркиби.....	162
Носирова З.Г., Эргашева Х.А. Тут парвонасига қарши қурашда гормонал инсектицидларнинг самарадорлиги.....	165
Хўжақулова Д.С., Нуралиев Х.Х. Наъматакуркумнинг (<i>rosa l.</i>) асосий касалликлари ва уларга қарши қураш чоралари.....	169
Юлдашева С.Ш., Махмудова Ю.Ш. <i>Taraxacum kok-saghyz</i> godin. ўсимлигини лаборатория шароитида уруг унувчанлигини аниқлаш.....	172
Холлиев А., Норкулов А., Бурхонова А. Ловия экиннида ўргимчакканга қарши кимёвий воситаларнинг биологик самарадорлиги.....	176
Сулаймонов Б.А., Кимсанбаев Х.Х., Муродов Б.Э., Яхёев Ж.Н. Калифорния қалқондори (<i>Quadrastpidiotus perniciosus</i>) биоэкологияси ва ривожланиш динамикаси.....	177
Болтаев Б.С., Болтаев С.Б., Худойқулов А.М. Ғўза-галла навбатлаб экиш тизимининг зарарли организмларга таъсири.....	180
Турдиева Ф.Т. Баргли салат (<i>Lactuca sativa</i>) уругларининг дала шароитида унувчанлиги ва ўсиш фазаларининг давомийлиги.....	184
Сулаймонов Б.А., Рашидов М.М. Аччиқ қалампир (<i>Сapsicum annuum</i>) зараркундалари турлари, систематик таҳлили ва уларнинг учраш даражаси.....	187

Шеримбетов А.Г., Намазов Ш.Н., Рузметов Д.Р. Янги оддий ва мураккаб дурагай комбинацияларнинг патоген микромителарга <i>Fusarium Oxysporum f.sp.vasinfectedum</i> инокуляция усули орқали чидамчилигини аниқлаш.....	190
Тошева Ё.Н., Гулмуродов Р.А., Самандарова Г.И. Цитрус дарахтларида айрим замбуруглар келтириб чиқарадиган касалликлар.....	195
Пулатов О.А., Умурзоқов Э.У., Худойқулов А. Ёнгоқ мевали боғларнинг зараркунандалари ва улар миқдорини бошқариш.....	198
Дехқончилик ва мелиорация	
Норқулов У. Сирдарё вилояти шароитида туз туғланиш жараёни ва шўр ювиш меъёри.....	200
Шамсиев А.С., Камиллов Б.С., Эшонқулов Ж.С. Сугориш тартибларининг такрорий экилган соя навлари оқил миқдорида таъсири.....	202
Муаммолар. Муҳокамалар. Фактлар	
Б.Ш.Шерматова, Д.Х.Мухитдинова. Интернетдан фойдаланишда экотуристик фаолиятнинг технологияси ва ташкилоти.....	205
Мусаев Н.У. Россия империяси ҳукмронлиги даврида туркистонда қишлоқ аҳолиси табақаланишнинг кучайиши.....	210
Мусаев Н.У., Хушвақтов Ҳ.О. Илк ўрта асрларда ўрта осийда деҳқончилик ва ерга муносабат масалалари.....	215
Норалиев Н.Х. Рақамли қишлоқ хўжалиги истиқболлари муаммо ва ечимлар.....	219
Қисқа ахборотлар	
Хашимова М.С., Хашимов С.И. Обоснование режима работы универсального станка для обработки каракулевых шкурок.....	226
Бобоев Ю. Тўлепберген қайипбергенев ва замонавий қорақалпоқ адабиёти.....	227
Холмурзаев М., Хашимова М. Хашимова З. Необходимость иностранных инвестиций в экономику Узбекистана.....	229

равномерно по всей кроне, чтобы не снизить общую продуктивность растений.

Пинцировка и прореживание побегов текущего года имеет важное значение в повышении продуктивности растений. Эту операцию следует проводить в течении вегетации растений постоянно. К прореживанию побегов первого роста приступают по мере их появления. В это время в травянистом состоянии удаляют побеги вертикально растущие, жировые, появляющиеся в глубине кроны и на первом приросте прошлогодних ветвей. На одноплодных прошлогодних ветвях при густом расположении плодозамещающих побегов оставляют по 3-4 более сильные, остальные удаляют.

В апреле и мае, в период бутонизации побеги первого роста над 4 нижним листом, пинцируют за исключением одноплодных побегов несущих на концах по одному бутону. Побеги второго роста прореживают в начале роста и затем пинцируют над 4 четвертым нижним листом, а побеги третьего роста только прореживают.

При прореживании побегов на каждом предыдущем приросте оставляют не более двух-трех побегов последующих порядков. Проводят эти операции в два-три приема, так как побеги одного и того же роста на разных ветвях могут появляться не одновременно. В начале октября пинцируют невызревшие побеги, а вновь появляющиеся после этого выламывают.

ВЫВОДЫ

1. Лимон при выращивании в тепличных условиях в годичном цикле развития имеет четыре-пять основных периодов роста побегов весенний-апрель, летний-июль-август, осенний-сентябрь-ноябрь.

2. Обрезку побегов лимона следует проводить весной, до начала первой ростовой фазы, а в последующем после волн роста пинцировать побеги в травянистом состоянии.

3. Правильно сформированная крона растения должна иметь форму с тремя-четырьмя скелетными ветвями, с симметричным расположением их в пространстве габитуса.

Ташкентский государственный аграрный университет

Литературы

1. Анкудинов В.И. Конструкции крон плодовых растений. // Мощный фактор повышения урожая. – Ташкент, 1982. – С. 12-16.
2. Рекомендации по выращиванию саженцев лимона в условиях Средней Азии. – Ташкент, МСХ, 1986. – С. 8-14.
3. Якушев В.И. Современные типы интенсивных садов. // Садоводство. – Москва, 1987. № 17. – С. 7-8.
4. Трусович Г.В. Интенсивное садоводство. – М.: Россельхозиздат, 1978. – С. 32-33.
5. Кудрявец Р.П. Формирование и обрезка плодовых деревьев. – М., Колос, 1976. – 164 с.
6. Трусович Г.В. Интенсивное садоводство. – М., Россельхозиздат, 1978. – 208 с.
7. Агофонов Н.В. Научные основы размещения и формирования кроны плодовых деревьев. – М., Колос, 1983. – С. 122-129.

The scientific article provides experimental material devoted to the study of the characteristics of the growth and development of Meyer lemon when grown in a greenhouse. Experimentally determined the basic laws of pruning of the aerial parts of plants and the formation of the crown in the early stages of ontogenesis. Their timely implementation ensures the early entry of plants into the fruiting phase and a significant increase in productivity in subsequent years of vegetation.

УЎК:634.662

ИСЛОМОВ С., ОЧИЛОВ М.

УНАБИ (ЧИЛОНЖИЙДА)НИ УРУГИДАН КЎПАЙТИРИШНИНГ ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Маколада республика миозга интродукция қилинган унаби (чилонжийда) навларини уругидан кўчатини етиштиришнинг интенсив технологияларини ўрганиш бўйича илмий асосланган маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларда, унаби уруглари экишга тайёрлаш, экиш муддатлари, экиш усуллари, экиш чуқурлиги ва экишни кўчатлар чиқишига таъсири ўрганилди.

Олиб борган илмий-тадқиқот ишларимиз натижаларига кўра унаби (чилонжийда) кўчатини уругидан етиштиришда уруглари март ойининг учинчи декадасида экиш ва ок плёнка билан мульчалаш энг мақбули деб олинди ва илмий жихатдан асосланди.

Калиг сўзлар: Унаби, чилонжийда, уруг, кўчатзор, пайвандтаг, навлар, кўчат, пайвандуст, тана, новда, барг, куртак, қаламча, пайвандлаш, мульча, экиш чуқурлиги.

КИРИШ

Бугунги кунда аҳолини витамин ва минералларга бой бўлган турли ассортиментдаги озик-овкат махсулотлари билан таъминлаш учун нафақат ўзимизда етиштириладиган меваларбалки хорижда етиштириладиган мева турларини ҳам Республикада етиштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Хорижий мамлакатлар мевачилигида хусусан унаби кўчатларини етиштиришга, боғларини барпо қилишга ва ялпи ҳосил миқдорини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, дунё бўйича хозирги кунга келиб, субтропик мева гуруҳига кирувчи унабининг жами барпо этилган боғ майдони 410 минг гектар бўлиб, ялпи ҳосил 7,5 млн. тоннани ташкил қилади [7]. Унаби Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Афғонистон, Покистон, АҚШ ва Россия каби давлатларда катта миқдорда етиштирилади. Хитойда интенсив типдаги унаби боғлари қарийб 200 минг гектардан ортиқ майдонда барпо қилинган. Унаби меваларини етиштиришда озик-овкат хавфсизлиги глобаллашиб бораётган бугунги кунда ҳосилдорликни ошириш ва сифатли ҳосил олиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Сифатли унаби кўчатларини етиштиришда барг орқали минерал ўғитлар билан қўшимча озиклантиришнинг аҳамияти катта. Унаби уруг кўчатлари учун барг орқали қўшимча озиклантириш ўсиш ва ривожланиш жараёнини жадаллаштиради. Л.В.Пономаренко [4; 3–26-б.], А.И.Колесников [1; 16–52-б.], Д.В.Ксенофонтова, Л.В.Первицкая, В.И.Якименко [2; 215–227 б.], Т.Э.Остонақулов, Ж.А.Ахмеджанов, Б.Х.Холмирзаев [3; 95–187-б.], А.А.Шекеладзелар [5; 2–19 б.] тажрибаларида карбамид эритмасидан фойдаланиш мева кўчатларини жадал ўсишига олиб келиши ҳамда сифатли экиш материалларни олишга имконият яратганлиги исботланган.

ТАДҚИҚОТНИ ОЛИБ БОРИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ

Тошкент давлат аграр университетида Хитой Халқ Республикаси Синьцзян кишлок хўжалиги фанлари академияси қошидаги Богдорчилик илмий тадқиқот институти билан биргаликда бажарилиши муддати 2017–2020 йилларда мўлжалланган “Ўзбекистонда Хитой чилонжийдасини янги юқори сифатли навларини зичлаштирилган схемада экиш ва етиштиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида лойиха бажарилмоқда.

Лойиха доирасида Ўзбекистонда Хитой чилонжийдасининг янги юқори сифатли кўрғазмани

боғ барпо қилиш, уларни кўпайтиришнинг жадал усуллари кўллаш, кўчатларини комплекс парваришлаш, ўсимлик уругини бўлажак боғ майдонига экиш, пайвандлаш, шакл бериш, шунингдек боғда паст бўйли кўчатларни зичлаштирилган схемада экиш орқали тез ва юқори ҳосил олиш технологияларини тадбиқ этиш режалаштирилган.

Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университети ахборот-маслаҳат маркази (Extension center) нинг унаби кўчатзориди ўтказилди.

Тажрибалар Х.Ч.Буриев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (2014), В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсияларга мувофиқ ва тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича дисперсион таҳлилдан ўтказилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Унаби уругидан, илдиз бачкиларидан, илдиз қаламчаларидан ва бўлинган кўчатлари орқали кўпайтирилади. Унабининг йирик мевали навлари асосан вегетатив усулда кўпайтирилади, чунки улар нормал ривожланган уругга эга бўлмайдилар. Чилонжийдани майда мевали ёввойи турлар уруглари униши энг юқори бўлиши кузатилган. Майда мевали ёввойи турларнинг ниҳоллари маданий навлар учун яхши пайвандтаг ҳисобланади.

Тажрибамизда ўзимизни маҳаллий майда мевали ёввойи турларидан ташқари Хитой Халқ Республикасидан ёввойи шаклининг (**Jin-si-lin**) уруги олиб келиниб экилди. Бу қўйидагича тадбирларни ўз ичига олади.

Уругни сақлаш ва экишга тайёрлаш: Хитойдан махсус 1 кг ли идишларда келтирилган Унаби уруги маҳаллий буз материалдан тайёрланган қопда +5 °С ҳароратда уй музлатгичида сақланди. Агарда ҳарорат ушбу кўрсаткичдан юқори бўладиган бўлса уруглари хашоратлар зарарлайди ва натижада унинг униб чиқиш қобилияти пасайиб кетади.

Уруг экишдан бир кун олдин хона ҳароратидаги оғзи очик идишда ивителива идиш сувининг тепа қисмига чиқиб қолган уруглари олиб ташланади, чунки улар пуч экишга яроқсиз ҳисобланади, уруглари сувдан олиниб қуруқ мато устига ёйилиб қолган сувдан сергитиб олинади ва шундан сўнг уруг экишга тайёр ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Унабининг ёввойи шаклини (Jin-si-lin) экишга тайёрлаш жараёни

Бизга маълумки анъанавий усулда уругидан кўчат тайёрлашда уруг яхши униб чиқиши учун данакли мевалар уруглари стратификация қилинади бу албатта узок муддатли вақт, кўп меҳнат сарфива харажатларниталаб этади шунинг учун бугунги кунда унаби уруглар эндокарп қисми олиб ташланган (данаги чақилиб мағзи ажратиб олинган уруг) ҳолатида уруг тайёрланди. Янги Хитой технологияси асосида тайёрланганушб уруглар (Jin-si-lin) эрта баҳорда экишдан бир кунолдин совуқ сувда ивителиб далага тўғридан-тўғри экилди.

Майда мевали чилонжийданинг 6-7 кг

меваларидан 1 кг данаклиуруг чиқади, 1 кг эндокарпсиз уругда 23,0-24,5 минг дона уругбўлиб, минг донауругнинг ўртача вази 42 граммни ташкил этади. Уларнинг униш қобилияти 80-95 % ни ташкил этади. 1 гектар майдонга уялаб экилганда кўчатзорга ўртача 5 кгсоф уруг сарфланди.

Ушбу уруг кучатлари яхши униб чиқиши ва ривожланишиучун экиш усуллари ваоптимал муддатларини аниқлаш бўйича турли вариантларда тажрибалар олиб борилди. Экиш муддатларини аниқлаш бўйича уруг кучатлар 4 муддатда экилди (1-жадвал).

1-жадвал

Унаби (чилонжийда) уругларини турли муддатларда экиш

Экиш муддати	Экилгануруглар сони	Унгануруглар сони	Унмагануруглар сони	Унгануруглар фарқозда	Кўчат бўйи (см)	Кўчат диаметри (см)
1-15 март	56	39	17	69,6	94,9	1,9
20-30 март	56	51	5	91,1	94,6	1,8
1-15 апрел	56	42	14	75,1	86,4	1,6
15-30 апрел	56	32	24	57,1	76,6	1,2

Юкоридаги жадвал маълумотларида кўриниб турибдики март ойининг учинчи декадаси уругларни экиш учун энг мақбул муддат деб олинди чунки уруг униб чиқиши, кўчат баландлиги ва диаметрлари бўйича кўрсаткичлари юкори бўлди.

Кейинг тажрибамиз экиш усуллари бўйича

олиб борилди бунда асосан зичлаштирилган схемада унаби богларини ташкил қилиш учун қузда шудгор қилинган ер эрта баҳорда ишлов берилган ерга унаби уруглари 170x60x50 схемада 2-4 см чуқурликда экилади (2-расм).



2-расм. Тажриба даласида турли усулларда мулчалаб ва кенг майдонда зичлаштирилган схемада экиш жараёни.

Шу билан биргаликда тажриба даламизда 6 хил вариантда (оқ плёнка, қора плёнка, қўқ плёнка, ёғоч кириндиси, махаллий гўнг, назорат учун фақат тупрокли) 4 қайтариқда янги хитой унаби уруғлари экилди. Экишда хар бир уячага 3-4 дона унаби уруғи ташланади сабаби кўчат чиқишда хатоликларни олдини олиш мақсадида. Уруғ экиладиган уячалар жуяк марказидан сув келадиган ариқ тарафга яқинроқ қилиб тайёрланади сабаби сувга яқин бўлиши учун, шундан сўнг экилган уруғлар секин-секинлик билан уватлар яхшилаб димланиб сугорилди. Унаби уруғлари 9-15 кундан сўнг ёппасига униб чиқди.

Ниҳоллар униб чиққандан сўнг уларни бегона ўтлардан тозалаб туриш лозим, акс ҳолда улар

ниҳолларни тўсиб қўйиб, ўсишини қийинлаштиради натижасида кўчатлар буйи ва диаметри кичкина бўлиб қолади.

Унаби кўчатлари ўсув даврида икки марта ўгитланади биринчи ўгитлаш 3-4 чинбарг чиқарганда (кўчат 8-10 см ўсганда), иккинчиси новдаларни ўсиш даврида N-60 кг, P-30 кг K-30 кг ўгит берилди.

Унаби ниҳоллари дастлабки даврда нимжон бўлиб секин ўсади, жадал ўсув даври эса июнь-август ойларида кўзатилди. Иккинчи-учинчи ҳақиқий барглр пайдо бўлиши билан улар сийраклаштирилди. 20-25 см ораликда 1-2 тадан ниҳол қолдирилди. Вегетация даврида ниҳолларни 8-10 маротаба сугориш амалга оширилади.

2-жадвал

Унаби (чилонжийда) уруғларини турли хилдаги мульчалош орқали экиш

№	Экиш усуллари	Экилган уруғлар сони	Унган уруғлар сони	Унмаган уруғлар сони	Унган уруғларфонзда	Кўчат бўйи (см)	Кўчат диаметри (мм)
1	I-Вариант (қора плёнка)	11	6	5	54,5	71,6	13,6
2	II-Вариант (қора мол гўнги)	12	10	2	83,3	51,4	12,7
3	III-Вариант (қўқ плёнка)	12	10	2	83,3	95,4	14,7
4	IV-Вариант (дарахтқитиғи)	12	7	5	58,3	90,2	13,1
5	V-Вариант (оқ плёнка)	11	10	1	90,9	107,2	15,3
6	VI-назорат вариант (мулчаланмаган)	11	4	7	36,4	31,4	9,0

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотларидан кўриниб турибдики унаби (чилонжийда) ни экилган уруғларнинг униб чиқишга турли хилдаги мульчалар ўрганилганда уруғларни униб чиқиши бўйича энг юқори кўрсаткич V-Вариант (оқ плёнка) билан мульчаланган вариантда кузатилди ва 90,9% ни ташкил этди, бу эса назорат вариантга нисбатан 54,5% га юқорилиги билан ажралиб турди. Кўчатларни буйи ва танасининг диаметри ҳам ўрганилганда VI-назорат (мулчаланмаган) варианга нисбатан энг яхши натижалар V-Вариант (оқ плёнка) билан мульчаланган вариантда кузатилган бўлиб кўчатлар баландлиги (107,2 см) ва танасининг диаметри (15,3

мм) ни ташкил этди.

ХУЛОСА

Олиб борган илмий-тадқиқот ишларимиз натижаларига кўра унаби (чилонжийда) ни интродукция қилинган навлари кўчатини уруғидан етиштиришда уруғларни тайёрлаш ва экиш бўйича энг қулай вақт март ойининг учинчи декадаси энг мақбул муддат деб олинди.

Унаби (чилонжийда) ни экилган уруғларнинг униб чиқишга турли хилдаги мульчалар ўрганилганда уруғларни униб чиқиши бўйича энг юқори кўрсаткич V-Вариант (оқ плёнка) билан мульчалош юқори самара беради.

Тошкент давлат аграр университети

Адабиётлар

1. Колесников А.И. Китайский финик (ююба)/ А.И. Колесников. -Москва, 1956. – С. 15- 54.
2. Ксенофонтова Д. В., Первицкая Л. В., Якименко В. И. Перспективы возделывания унаби в условиях Краснодарского края // Сб. научных трудов ВНИИЦиСК. — Сочи, 1994. — Вып. 38. – С. 215-227.
3. Остонақулов Т.Э., Ахмеджанов Ж., Холмирзаев Б. “Ўзбекистонда чилонжида ўстириш технологияси”. Монография, 2016. – Б. 11-105.
4. Пономаренко Л. В. Биологические особенности и хозяйственная оценка китайского финика в Прикубанской зоне садоводства: автореф. дисс. канд. с.-х. наук. — Краснодар, 2006. — 26 с.
5. Шекиладзе А.А. Автореферат диссертации на тему “Биоэкология хозяйственно-ценных форм унаби в условиях Западной Грузии”. Тбилиси. 1993. – С. 3-20.
6. Jin, X., Yao, X., Liu, C., Lin, H., Lou, Z., & Gao, Z., (2015). Current development situations of Ziziphus jujube Industry in South Xinjiang and recommendations. Asian Agricultural Research, 7(4), 37-41. Retrieved from
7. https://unabi_valovoe_proizvodstvo.html.

Исломов С., Очиллов М.

Изучение интенсивных технологий умножения унаби (китайский финик) из семенами

В данной статье приведены результаты исследований по изучению интенсифицируемых технологий выращивания саженцев сорта унаби.

В ходе исследования изучали подготовку семян унаби к посеву, сроки посева, глубину посева и влияние различных способов мульчирования на всхожесть всходов.

Кроме этого в статье рассматриваются вопросы разработки приемов повышения плодородия почвы юго-востока Ташкента, и продуктивности агроэкосистемы сорта Унаби Jin-si-lin на основе применения инновационных агроприемов, обеспечивающие воспроизводства (сохранение, восстановление и повышение агрофизических показателей) плодородия почвы для рационального использования земельных ресурсов и повышения продуктивности новых сортов Унаби.

Ключевые слова: Унаби, Китайские финик, семена, питомник, подвой, сорта, саженцы, привой, ствол, веточка, лист, почка, черенки, прививка, мульча, глубина посадки.

Islomov S., Ochilov M.

The study of intensive technologies of seed propagation in jujube (ziziphus jujuba)

The article provides scientifically based information on the study of intensive technologies for growing seedlings of jujube (*Ziziphus jujuba*) varieties introduced to the country.

In the research, the preparation of jujube seeds for sowing, sowing time, sowing method and depth and the effect of sowing on seedling yield were studied.

According to the results of our research, sowing of seeds in the third decade of March and mulching with white film was considered the most optimal and scientifically based in the cultivation of jujube (*Ziziphus jujuba*) seedlings from seed.

Key words: Jujube, Chinese dates, seeds, nursery, stock, varieties, seedlings, scion, trunk, twig, leaf, bud, cuttings, grafting, mulch, sowing depth.

УЎТ:635.649: 633:631

НИЗОМОВ РУСТАМ АХРОЛОВИЧ¹, ХУШВАҚТОВ НУРБЕК ЖУМАЕВИЧ²

**ИСИТИЛМАЙДИГАН ИССИҚХОНА ШАРОИТИДА АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРНИ
МАҚБУЛ ЭКИШ СХЕМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Ушбу мақолада аччиқ қалампирни “Маргилон 330”, “Учқун”, “Тилларанг” навларини иситилмайдиган иссиқхона шароитида экишнининг мақбул схемаларини (70x20, 70x30, 70x40, 70x50 см) ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилганлиги туғрисида маълумот келтирилган. Тажриба натижаларига кўра меваларни энг эрта техник пишиши 70x50 см схемада “Маргилон 330” навида 55 кунда, “Учқун” навида 61 кунда ва “Тилларанг” навида 66 кунда техник пишиши кузатилган. Бир туп ўсимликдаги мевалар вазни 70x40 см схемада экилганда “Маргилон 330” навида назоратга нисбатан 140 % га, “Учқун” навида 144,4 % га ва “Тилларанг” навида назоратга нисбатан 143,7 % га юқори бўлганлиги тажрибаларда ўз исботини топганлиги аниқланган.

Калит сўзлар: Аччиққалампир, иситилмайдиган иссиқхона, экиш схемаси, экиш муддатлари, нав, мева, техник пишиши, мевалар сони, мевалар вази.

КИРИШ

Иссиқхона сабзавотчилиги кишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини йилнинг номавсум даврида янги, сервитами маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Республикамизда сўнгги йилларда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва сабзавот маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш бўйича кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида охириги йилларда халқимиз учун йилнинг номавсум даврида янги, барра сабзавот экинларига

эҳтиёж ошиб бормоқда. Кам харажатли сабзавот экинларидан бири аччиқ қалампирни иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштириш каби ноанъанавий усуллар билан сабзавот экинларини янги навларини яратиш ҳамда етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича республикамизда илмий-тадқиқот ишларига бугунги кунгача етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “кишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибининг оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни қўпайтириш” муҳим стратегик